



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 6 февраль, № 26 (5956)

Пайшанба

Янгиликлар, воқеалар

хабарлар

■ "Тўртқўлдонмаҳсулоти" масъулияти чекланган жамияти қошидаги "Дон — нон неъмат" шўъба корхонасида илгари электр энергияси учун ойига 600 минг сўм сарфланарди.

Тежамкор технология

Яқинда бу ерда амалга оширилган модернизация ишлари натижасида мазкур кўрсаткич бор-йўғи 200 минг сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

— Германиянинг "Вахтел" технологиясини келтириб ўрнатдик, — дейди тадбиркор Умрбек Мадраимов. — Компьютерда бошқариладиган мазкур ускуна хамирга зарурий қўшимчалар меъёрида солинган бўлсагина ишлайди. Бу эса маҳсулотимизнинг сифатли бўлишини таъминламоқда.

Ўтган йили Оролбўйи минтақасида 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган махсус дастур доирасида саноат йўналишида 50,8 миллион АҚШ долларилик 295 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Истеъмол бозорини тўлдиршида кичик бизнес субъектлари ҳиссаси тобора ортмоқда.

Спорт либослари

Чуст туманида ташкил этилган "Олмос Нисора Бону" хусусий корхонаси — шулардан бири. Лойиҳа ташаббускори Дилфуза Улугбоева бўш турган бинода трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 198 миллион сўмлик сармоя эвазига корхона цехлари тикув дастгоҳ-

лари билан жиҳозланди. — Чеварларимиз яқинда спорт либослари тикишни ҳам ўзлаштиришди, — дейди тадбиркор. — Фаолиятимизни бошлагандан буён 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрладик.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли ва бежирим

■ Чиноз туманидаги қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касбий таълим жараёнида тайёрлаётган мебель маҳсулотларига ҳеч иккиланмай ана шундай таъриф бериш мумкин.

Бу бежиз эмас. Яқинда мазкур таълим муассасасига Германия тараққийёт банкнинг 270 минг евролик имтиёзли кредити ҳисобидан қурилиш, пардозлаш, ёғочга ишлов бериш ва мебельсозлик анжомлари келтирилди. Улар ёрдамида ўқувчилар эндиликда машғулотларни барча шароитга эга бўлган ўқув-амалиёт базасида олиб бориб, замонавий технологиялар ёрдамида стол ва стуллар, офис ҳамда уй-рўзгор буюмлари тайёрлашапти.

Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда вилоятдаги 50 га яқин худди шундай таълим муассасасининг ўқув-амалиёт базаси ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Табиий жундан тайёрланган гиламлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам жуда хариддоргир ҳисобланади.

Табиий хом ашёдан кўркам гиламлар

Бухоро туманида фаолият кўрсатаётган "Ягона Комил Бухорий" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ишлаб чиқаришни ташкил этишда ана шу жиҳатга эътибор қаратди.

— Ҳозир аксарият гиламдўзлик корхоналари, асосан, сунъий толадан фойдаланишмоқда, — дейди МЧЖ мутасаддиларидан бири О. Фармонов. — Вилотиямизда эса чорвачилик кенг ривож топган, хом ашё мўл. Шу

боис уни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Натижада тайёрлаётган гиламларимиз пишиқ ва бежиримлиги жиҳатидан эътиборга тушди. Дарвоқе, ушбу бизнесимизни ташкил қилишимиз учун 1 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирдик. Ҳозирча йигирма нафар ишчимиз бор. Қувватларини оширишимиз билан уларнинг сони икки баравар кўпаяди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллийлаштириш:

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ ЮТУҚЛАРИ



Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши ва бу борадаги имтиёз ҳамда преференциялар самараси туфайли тадбиркорлар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Пировардида хусусий сектор салоҳияти янада юксалаётир.

■ ДАСТУР ВА ИЖРО



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011 — 2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига Андижон вилоятидаги 26 та корхонанинг 113 та лойиҳаси киритилган эди. Бу лойиҳаларнинг

ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бултур жами 70,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, дастур прогнози 100,6 фоизга бажарилди. Импорт ўрнини бошиш самараси эса 31,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Ниёзатовнинг айтишича, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарда, асосан, автомобиллар учун бутлов-

чи ва эҳтиёт қисмлар, бургилаш ҳамда нефть қазиб чиқариш ускуналари, подшипниклар, автоулов филтёрлари, юқори кучлинишли сақлагичлар, энергетика саноати учун бутловчи қисмлар, тормоз колдалкалари тайёрланмоқда. Модернизациялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга қаратилган лойиҳалар, айниқса, "АндСаноатПласт" ва

"Ураланд" масъулияти чекланган жамиятлари, "Андижонмаш" очик акциядорлик жамияти, "Саховат", "SPZ-Bearings" қўшма корхоналари, "SDK GROUP AND" хорижий корхонаси каби хўжалик юритувчи субъектларда муваффақиятли амалга оширилгани маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражасини 40 фоиздан 100 фоизгача етказиш имконини берди. Андижон шаҳридаги "Металл-

(Давоми 2-бетда).

Оила мустақамлиги — юрт равнақи

Ватан яшаб турган уйимиз остонасидан, оиламиздан бошланади. Агарки, хонадонимиз тинч, турмушимиз обод бўлса, кўнглимиз тўлиб, ишимиз ҳам бароридан келаверади. Шу маънода айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳолимизнинг хотиржам ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроқ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак тайёргарликка эга Қуролли Кучларимизни барпо этиш баробарида, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими ҳам йўлга қўйилди.

■ ИСЛОХОТ

Жумладан, замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ҳамда инфратузилмаларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ана шу мақсадларни кўзда тутди. Ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг бу борадаги гамхўрлиги натижасида уй-жойлар ва бошқа зарур инфратузилма объектлари билан таъминланиб бормоқда. Масалан, Сирдарё вилоятида бир гуруҳ

ҳарбий хизматчилар ана шундай юксак эътибордан баҳраманд бўлиб, ўз бурчларини сидқидилдан адо этишапти. Шинам ва замон талабларига жавоб берадиган хонадонлар шодлигу қувончга, фойдага тўла. — Миллий армиямиз сафида хизмат қилаётганимдан ҳамиша фахрланаман, — дейди кичик сержант Раҳматулло Эшонқулов. — Президентимиз биз, ҳарбийлар ва оилаларимиз учун қандай шароит зарур бўлса, барчасини яратиб беришга бош-қош бўлаётганлар. Ҳар йили кўркам тураржойлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани

бунинг яққол тасдиғидир. Биз ҳам шундай гамхўрликдан баҳраманд бўлганлардан биримиз. Хонадонимиз ҳавас қилса арзийдиган даражада. Ичи кенг ва ёруғ. Албатта, бундай улкан имкониятларга жавобан зиммаимиздаги вазифамизни шараф билан бажаришимиз, билдирилган ишонччи оқлашимиз зарур. Бу бизнинг фарзандлик бурчимиз ҳамдир.

Ҳарбий хизматчилар учун уй-жойлар бунёд қилишда меъморчиликнинг энг замонавий услубларига таянилаётгани диққатга сазовор. Мазкур вилоятда барпо этилган хонадонлар ҳам ана шундай илгор тажрибаларни ўзида акс эттирган. Яратилаётган қулайликлардан уй бекалари ҳам хурсанд. — Очиғи, биз, аёллар доимо уйимиз ҳар жиҳатдан обод ва ораста бўлишини хоҳлаймиз, — дейди уллардан бири Нигора Ботирова. — Шубҳасиз, хонадонимиз бунга тўлиқ жавоб беради. Яъни уйимизда ҳамма шароит бор. Масалан, ичимлик суви, иссиқ сув, табиий газ, электр энергияси билан таъминланганмиз.

(Давоми 2-бетда).

■ 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Маънавий жиҳатдан баркамол, жисмонан етук авлодни тарбиялаш, "Соғлом она — соғлом бола" тамойилини рўёбга чиқариш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотларнинг моҳиятини ташкил қилади.

Баркамол авлод тарбияси

давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

Бу эзгу мақсад бир жаҳада эмас, балки кенг қўламада, жамият ҳаётининг барча йўналишларида изчил амалга оширилмоқда. Энг муҳими, Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари муҳим давлатидаги ҳужжат бўлиб хизмат қилаётир.

Сир эмаски, ҳозирги кунда болалар спорт таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига, баркамол авлоднинг шакллантиришининг ноёб тизимига айланди. Хусусан, узокни кўзлаб амалга оширилаётган ушбу мақсад йўлида умумтаълим мактабларида, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуалари барпо этилмоқдаки, бундан ҳалқимиз, айниқса, навқирон авлод вакиллари жуда мамнун бўлаёпти.

(Давоми 2-бетда).

Ўтган йили мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

14,4

фоизни ташкил этди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қурилган изчил чора-тадбирлар нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардош бўлган истеъмол товарлари тайёрлаш ҳажмини кескин ошириш имконини берди.



БИР РАҚАМ ШАРҲИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бир пайтлар ҳатто оддий ёзиқ спорт майдончалари йўқ, биргина копток билан таъминлаш амри маҳол бўлган умумтаълим мактаблари бугунги кунда замонавий спорт инвентарлари билан тўла жиҳозланган кўркем спорт заллари, мажмуаларига эга. Зеро, айнан болалар спортини ривожлантириш орқали баркамол авлоднинг тарбиялаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топиртириш масаласига ало-

қулланаётган қизларнинг бундай гамхўрликдан хурсандлиги чексиз эканини кўриш мумкин. Бундай шароитлар мамлакатимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани баркамол авлоднинг тарбиялаш йўлида узоқни кўра билиб, оқилона иш тутилгани натижаси экани, жамғарманинг самарали фаолият юритаётгани ҳудудларда қад ростиётган ана шундай бинолар салобатидан ҳам маълум экани фўқароларимиз томонидан ҳақли

олди. Зотан, Соғлом бола йилидаги вазифаларни амалга ошириш ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, айниқса, ёшларимиз, фарзандларимизнинг баркамол авлод сифатида етишиши учун навбатдаги гамхўрлик йили бўлиши, шубҳасиздир. Парламентимиз томонидан ана шу саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида жорий

Маҳаллийлаштириш: САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ ЮТУҚЛАРИ



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Хом ашёни четдан олиб келамиз, — дейди мазкур жамият раҳбари Фарҳодбек Узоқов. — Бирок, Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, боғжона ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзга эгамиз. Шу асосда иқтисод қилинган маблағ эвазига ўтган йили компрессор ва бўёқ цехларини тавмирлаб, электр энергиясини тежовчи замонавий ускуналари харид қилдик. Натижада “Ласетти” русумли автомобиль гилдирақларининг пластмасса қисмларини

ҳам ишлаб чиқариш лойиҳаси рўйбга чиқарилди. “Металлторг люкс” масъулияти чекланган жамиятида жорий йилда бир гектар майдонда янги қуват — ип-йигирув корхонасини ташкил этиш режалаштирилган. Айни кунларда ушбу йўналишдаги ишлар изчил бажарилаётди. Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, ҳар йили автомобиль ва санот касб-ҳунар коллежларининг 15-20 нафар ўқувчиси амалиёт ўтайдилар. Улар жамоа учун яратилган барча шарт-шароитдан тўлиқ фойдаланадилар. 2013 йилда жамиятнинг коллеж бити-

рувчиларидан 8 нафари ишга қабул қилинган бўлса, ип-йигирув корхонаси фойдаланишга топширилган бўлиб, дунда йиллар сони янада кўпаяди. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотларига кўра, бу йил Маҳаллийлаштириш дастури учун ҳудуддаги 16 та корхонада янги лойиҳалар паспорти тайёрланмоқда. Бу ишлаб чиқариш субъектлари учун кенг имконият бўлиб, келгусида юксак натижалар бериши мўқаррардир.

Саидхон ШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРИПОВ
олган суратлар.

СУРУР

Яхши эсламан: оила даврасида ота-онам, ака-ука, яқинларим билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, улар: “Келажақда ким бўлмоқчисан?” деб сўрашса, ҳеч иккинчанимай: “Ўқитувчи бўламан”, дердим. Мана, бугун ниятимга етиб, келажагимиз ворисларига таълим-тарбия бериб келмоқдаман.

Фидойилик, ташаббус ва ибрат

Очиғи, кўп йиллик тажрибага эга бўлсам-да, ҳали-ҳануз дарсга киришдан олдин ҳаяжонланаман. Назаримда, бу туйғу барча ўқитувчида бирдек кечади. Шунинг учун бўлса керак, ўз устимизда изланамиз, ўқувчиларда кенгрок кўникма ҳосил қилишга интиламиз. Бинобарин, бола қалби мисоли оппоқ қоғоз. Унга нимани “ёзсангиз”, шуни “ўқийсиз”. Шу боис ҳар гал дарс бошладан аввал мурғак қалбларга, аввало, аждодларимизнинг шон-шухрати, уларнинг оламаро кашфиётлари тўғрисида, бир шингил бўлса-да, гапириб беришдан чарчамайман. Истиклол туфайли уларнинг номлари ва маънавий мероси тиклангани беҳиз эмаслигини ўқираман. Сабаби, улғу бобокалонларимизнинг ўғитлиридан баҳраманд бўлиш келажаги буюк давлатимиз фарзандларини фақат ёруғ манзилларга чорлайди. Тўғриси айтганда, бугун ўқитувчининг замони келди. Негаки, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган гамхўрлик самарасини юртимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростиётган замонавий ва мухташам илм даргоҳлари мисолида кўриб турибмиз. Мухими, мазкур таълим муассасалари нафақат ташқи кўриниши, балки уларда яратилган бекиёс шароитлари билан ҳам кишининг ҳавасини уйғотади. Жумладан, бизнинг таълим даргоҳимиз ҳам, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан, мукаммал таъмирланди. Икки қаватдан иборат мухташам муассасамизда барча қулайликлар яратилган. Кенг ва ёруғ ўқув ҳоналари, лингафон, компьютер синфлари энг сўнги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган. Бу эса ўқитувчиларнинг мароқ билан дарс беришлари, ёшларнинг мукаммал билим олишларига муҳим аҳамият касб этмоқда. Фидокорона меҳнат қилган, ташаббус кўрсатган киши, албатта, кўзлаган максасидаги эришади. Биз, ўқитувчилар ана шундай яшашимиз керак. Зеро, бугун Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар ҳар биримизни ибрат кўрсатиб фаолият юритишга даъват этмоқда.

Ойгул ДАВЛЕТЖАНОВА,
Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳибаси.

Баркамол авлод тарбияси

давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

ҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу спорт майдонларида дастлабки сабоқларни олган ёшларимизнинг халқроқ аренада муваффақият қозонаётгани эса мазкур саъй-ҳаракатларнинг яна бир яққол самарасидир. Бугун болалар спортини ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, умуммиллий ҳаракатга айланди. Бинобарин, Президентимизнинг ташаббуслари ва раҳнамолигида фаолият олиб бораётган ушбу жамғарма шарофати билан замонавий болалар спорт мажмуалари ҳамда муҳика ва санъат мактаблари қад ростилаётгани, бундан аҳоли, ота-оналар ниҳоятда мамнун эканликларига ҳар гал сайловчилар билан учрашувлар чоғида ишонч ҳосил қиламиз.

равийида эътироф этилмоқда. Энг қувонарлиси, мазкур масканларда спорт, санъат ва муҳика билан шуғулланувчи болалар сони тобора ортиб бормоқда. Айниқса, қизларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда, шубҳасиз, Президентимизнинг қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантиришга оид “Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектиларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Бадий гимнастика бўйича болалар ўсмирлар иқтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Бу эса қизларимизнинг соғлом, оқила ва нафосат соҳибалари бўлиб камол топишларида алоҳида ўрин тутмоқда.

йилда бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, болалар спортини янада ривожлантиришга қаратилган қонунчилик механизмини такомиллаштириш, бу борадаги амалдаги қонунлар ижроси устидан назорат-таҳлил ишларини кучайтириш, ушбу соҳанинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш фаолиятимизнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. Шулар баробарида, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларининг спорт майдончаларини талаб даражасига келтириш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш, иқтисослаштирилган спорт мактаблари тармоғини янада кенгайтириш, таълим муассасаларига бу йўналишда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларни жисмоний тарбия дарслиқлари, ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминлаш, янги болалар спорт иншоотлари бунёд этишга ажратилаётган бюджет маблағларидан максадли фойдаланиш масалалари бўйича парламент назорати, хусусан, парламент сўровлари ва эшитувларини ўтказиб бориш ҳам кўзда тутилган.

Оила мустаҳкамлиги — юрт равнақи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айвонимиз бир эмас, иккита: ёзғи ва қишки. Энг муҳими, турмуш ўртоғимнинг хизмат жойи ёнгинамизда, оиласи ва фарзандлари эса кўз олдиди. Шундай экан, унинг ва у каби сафдошларининг ҳам оилаларидан кўнгила-ри хотиржам, деб ўйлайман. Бундай юксак эътибор учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирамиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳарбийлар маҳалласи, деб аташ мумкин бўлган бу гўша ободу орасталиги ва кўркемлиги билан ҳам эътирофга лойиқ. Ҳарбийлар оилалари қисқа вақт ичида уйлар атрофини қўқаламзорлаштириб, кўпгаб дархатлар ўстиришди. Ҳовлидаги болалар майдончаси эса уларнинг фарзандлари учун энг сеvimли масканга айланди.

— Болаларимизни билимли, тарбияли қилиб вояга етказиш учун барча шароитга эгамиз, — дейди кичик сержант Камол Расулов. — Яъни уйимиз таълим-тарбия муассасаларига яқин жойлашган. Бир қиз ва бир ўғлим бор. Улар мактабда аъло баҳо-ларга ўқитишмоқда. Фарзандларимизнинг соғлиги ҳам доимий эътиборда. Шундоқ ўзимизда, ҳарбий қисимизда оиламиз аъзолари учун ҳам тиббий хизмат жорий қилинган. Бундай имкониятлар, ижтимоий химоя борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бизни янада фидойилик билан хизмат қилишга ундайди. Кўзни қувнатадиган бундай бунёдкорликлар, ўзгаришларни кўриб, хаёлимиздан беихтиёр ҳали-ҳануз жаҳон ҳамжамиятини мураккаб аҳволга солиб келётган, аниқ ечимини топиб улгурмаган молиявий-

иқтисодий инқироз ўтади. Қайсидир мамлакатда банкларнинг тўлов қобилияти сусайиб бораётти, қимматли қоғозлар бозоридаги йўқотишлар кимларидир ташвишга солмоқда, ишсизлик тобора ортиб бораётти. Шу маънода, биз танлаган ўзимизга хос ва мос миллий тараққиёт йўли, инқирозга қарши ўз вақтида қўрилган чора-тадбирларнинг нақадар тўғри эканига тақрор ва тақрор амин бўлади, киши. Ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий химояси бўйича амалга оширилаётган улкан ишларнинг глобал инқироз шароитида ҳам изчил давом эттирилаётгани тинчлик-осойишталигимизни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга қаратилган юксак эътиборнинг яққол самарасидир. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил

этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига йўллаган байрам табригида шу хусусда тўхталиб, “Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий социал-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўйбга чиқариш ва ана шу максадлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор”, дея алоҳида таъкидлади. Демак, ислохотлар изчиллиги бундан кейин ҳам таъминланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қискаца сатрларда

- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида ахборот технологиялари соҳаси мутахассисларининг навбатдаги учрашувини бўлиб ўтди. Тадбир Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Brand.uz” компанияси томонидан амалга оширилаётган “Стартап миксер” лойиҳаси доирасида ташкил этилди.
- Ўзбекистон Миллий кутубхонасида буюқ шoir ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги муносабати билан “Навоий кунин” эълон қилинди. Унга кўра, шoir ижодида бағишланган давра суҳбатлари, газалонхлик ва мутафаккир қаламига мансуб асарлардан татрлаштирилган чиқишлар уюштирилиши кўзда тутилган
- Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона марказига Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг гранти асосида кутубхона адабиётларини консервациялаш ва қайта тиклаш учун жилдлаш ускунаси берилди. Бу ускуна бир дақиқада китобнинг олд ва орқа варағи, юздан ортиқ саҳифасини автоматик тарзда сканер қилиб, электрон кўринишга келтира олади.
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусикали драма театрида “Наврўз ялласи – 2014” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда иштирокчилар миллий кадр ятларини миз, худудларга хос урф-одатлар, анъаналар, унутилиб кетаётган халқ кўшиқлари, лапарлар, халқ ўйинлари орқали ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш этишди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хаборлари асосида тайёрланди.

Махсус қопламали иссиқхоналар


юқори ҳосил олиш имконини беради

Навоий шаҳридаги “Навоий Металлмаш” хусусий корхонасига қарашли иссиқхонада бўлсангиз, кўклам тароватини ҳис этасиз. Кўкка бўй чўзган помидор қўчатлари шохларида чўғ бўлиб порлаган ҳосил кўзни олади.

ТАЖРИБА



Маълумки, йилнинг тўрт фаслида ҳам эл дастурхонини тўкин қилишда иссиқхоналарнинг ўрни бекиёс. Шу жиҳат ҳисобга олиниб, 2011 йилда “Navoiy-Korea” қўшма корхонасида вилоятда биринчилардан бўлиб 1,5 гектар майдонда сабзавот маҳсулотларини гидропоник усулда етиштириш йўлга қўйилган эди. Мазкур технологиянинг афзаллиги шундаки, аввало, иссиқхоналарда электр энергияси, сув сарфи, қўл меҳнати ва минераллар тежаллади, қолаверса, озиқлантириш компьютер тизими орқали бошқарилади. Корея Республикасидан келтирилган махсус пардалар эса қўшимча равишда 40-45 фоиз иссиқликни ушлаб туради. Шу боис ҳозирги кунда биргина Навоий шаҳридаги қарийб 10 та корхонада гидропоник усулда 10,5 гектар майдонда помидор етиштирилмоқда. Иссиқхоналарда Жанубий Кореянинг “Myung Sung Placon Ltd” компанияси техника ва технологиялари самарали қўлланилаётди. Таъкидлаш жоизки, иссиқхона хўжалиқларида гидропоник



усул билан томчилятиб суғориш технологиясидан унумли фойдаланиш туфайли юқори натижага эришилмоқда. Сув таркибиде мавжуд 17 хил минерал ва озук эса етиштирилаётган помидорларнинг тўйимиллигини ошириб, ўзгача таъм бахш этапти. Айни пайтда Навоий вилоятда бир минг 750 дан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар паррандачилик, балкичилик, асаларичилик, иссиқхона хўжалиқлари каби кўп тармоқли йўналишларда фаолият юритмоқда. Бу эса бозорларимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирди, нарх-навоининг барқарорлигини сақлаш, аҳоли дастурхонининг тўкин-сочинлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Кейинги уч йилда бу ерда 242 гектар майдонда 208 та иссиқхона ташкил этилиши эвазига 3,6 минг на-

фардан зиёд киши доимий ишга жалб этилгани, ўтган йили мавжуд иссиқхоналарда 16 минг тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари етиштирилгани ана шундан далолат беради. Ҳозирги кунда эса иссиқхоналардан помидор ва бодиринг териб олинмоқда. Ушбу неъматлар бозорларимизни янада файзли қилиш билан бирга, экспортга ҳам чиқарилаётти. Албатта, бу каби ўзгаришлар барчамизни бирдек қувонтиради, қалбларимизда шукроналик хиссини уйғотади. Зеро, юртимизда меҳнат қилган киши азиз, унинг турмуши эса фаровондир. **Суннат ТЕШАЕВ,** Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мухтассиси. Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

ЖАХОН **24 СОАТ ИЧИДА**

Жорий йилнинг январь ойида Ирландия Республикасида бюджет тақчиллиги 1,1 миллиард еврога ташкил қилди.

Бюджетда тақчиллик

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Шунингдек, ўтган ойда давлат тушумлари ҳам 2013 йилдагига нисбатан 17 фоиз камаянган.

Мамлакат ҳукумати шу йил охиригача бюджетдаги тақчилликни 4,8 фоизгача тушириш ниятида. Яқунланган йилда ушбу кўрсаткич 7 фоизга тенг бўлган эди.

Даромади ортди

2013 йилнинг апрель — декабрь ойларида Япониянинг "Hitachi" компанияси даромади икки баробардан зиёдлашди.

Халқаро ахборот хизматлари хабарларида келтирилишича, ушбу даврда компания кўрган соф фойда ҳажми 152,7 фоиз ўсиб, 127,3 миллиард иена (тахминан 1,26 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этди. Умумий савдо ҳажми эса 6,77 триллион иенага етди.



"Hitachi" sanoat soxasi va infратузилма obyektlari uchun zamonaviy texnologiyalar ishlab chiqarishga alohida e'tibor qaratgani tufayli mana shunday natijaga erishgan.

Экспортга рухсат берилди

АҚШ ҳукумати сўнги олти йил ичида биринчи марта маҳаллий нефть компанияларига углеводород хом ашёсини Европага экспорт қилишга рухсат берди, дейилади "Reuters" ахборот агентлиги хабарига.

Мамлакат савдо вазирлиги "қора олтин" сотиш бўйича бешта компанияга лицензия берган. Улардан иккитаси Буюк Британияга, иккитаси Италияга, яна бири Германияга махсус эълан билан шугулланади.

АҚШда нефтни эркин экспорт қилиш 1975 йилда тақиқланган эди. Ушундан буён мазкур бизнес билан шугулланмоқчи бўлганлар, албатта, ҳукуматнинг махсус рухсатини олишлари зарур. Бу тақиқ мамлакат ҳудудига "қора олтин" нархи ошиб кетишининг олдини олиш ҳамда ички бозорни манипуляциядан сақлаш мақсадида жорий этилган.

Янги раҳбар тайинланди

"Microsoft" компаниясига асли келиб чиқиши ҳиндистонлик бўлган Сатя Наделла бош директор этиб тайинланди.



46 ёшли мутахассис мазкур муассасада йигирма икки йилдан бери ишлади. Уз навбатида, "Microsoft" асосчиси Билл Гейтс компаниянинг директорлар кенгаши раислигидан кетганини билдирди. Энди унинг

ўрнини Жон Томпсон эгаллайди. Гейтс эса янги бош директорнинг техник масалалар бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолиятини давом эттирди. Олдинроқ бу лавозимга "Ericsson" компанияси ижрочи директори Ханс Вестберг, "Nokia"нинг собиқ раҳбари Стивен Илоп ва "Skype"нинг аввалги бошлиғи Тони Бейтс асосий номзод сифатида кўрсатилаётган эди.

Таъминотда узилди

Бразилиянинг иккита йирик шаҳри — Сан-Паулу ва Рио-де-Жанейронинг уч миллиондан ошқ аҳолиси электр таъминотидан узилди.

Бунинг аниқ сабаби маълум эмас. Шундай ҳолат мамлакатнинг жанубий, шимолий ва марказий ҳудудларидаги айрим аҳоли яшаш пунктларида ҳам юз берган.

Кўпинча Бразилияда электр энергиясига бўлган талаб ёз ойларида ортиб, қатор муаммолар вужудга келарди. Чунки бу пайтда гидроэлектростанцияларда сув сатҳи пасайиши оқибатида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тушиб кетади.

Океан бағрида ўн уч ой

Мексикалик балиқчи Хосе Сальвадор Альбаренго Тинч океанида ўн уч ой қолиб кетди.



Унинг сўзларига кўра, ўн беш ёшли шериги билан 2012 йилнинг декабрь ойида ақула овлаш учун йўлга чиққан эди. Аммо Мексика қирғоқларидан узоқлашганидан сўнг кеманинг мотори бузилиб қолган. Натижада орта қайтишнинг иложи бўлмаган. Шу тариқа улар Тинч океанида сузиб юраверилган.

Балиқчилар бу вақт давомида тирик қолиш учун ёмғир сувини ичиб, қуш ва балиқлар билан жон сақлашган. Ёш балиқчи бундай қийинчиликларга дош бера олмади, ҳаётдан кўз юмган. Хосе эса бир неча бор ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган. Аммо журъвати етмаган.

Ва ниҳоят, бу кема Мексикадан ўн минг километр узоқликдаги Маршал оролларида полиция томонидан ушланди. Айтилган Хосени ўз юртига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳар қатраси ҳисобли

Инфратузилмани ривожлантирмай туриб, аҳолига муносиб турмуш шароити яратишни тасаввур қилиш мушкул. Шу боис тоза ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш ҳам фаровонлик мезонларидан бири саналади. Бугун ҳеч иккиланмай айта оламизки, мамлакатимизда инфратузилма жадал ривожланмоқда. Буни Бухоро вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

ИНФРАТУЗИЛМА

Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Биргина 2013 йилда давлат бюджетидан ажратилган 8,5 миллиард сўм эвазига вилоятдаги 46 та қишлоқ аҳоли пунктида жами 56,1 километр узунликда ичимлик суви тармоқлари тортилди. Бундан ташқари, 5,3 миллиард сўмлик кўшимча сармоя ҳисобига 30 та қишлоқ аҳоли пункти учун қувур ўтказилди. Шунингдек, учта туманда гидроиншоотлар барпо қилинди.

— Ана шулардан бири "Кўчқумар" сув иншооти бўлиб, у бизнинг ҳудудимизда жойлашган, — дейди Бухоро тумани

"Сувоқова" ишлаб чиқариш давлат корхонаси бошлиғи Ёқуб Тўқлиев. — Мазкур объект қурилишига давлатимиз томонидан 1 миллиард 993 миллион сўм йўналтирилди. Бу иншоотнинг қурилиши "Кўчқумар", "Қавола Маҳмуд", "Сўфи Коргар" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудига истиқомат қилувчи 17 минг нафардан зиёд аҳолини обихаёт билан таъминлаш имконини берди.

Эътиборли жиҳати, Осиё тараққиёт банки иштирокида туманда 2 та сув сақлаш резервуари ҳам қуриб битказилди. Умумий қиймати 3 миллион 331 минг

АҚШ доллари бўлган бу омборларда 1000 кубометр ҳажмда обихаёт жамғариш имкони бор. Улар соатига 240 кубометр сув узатиш қувватига эга замонавий "Грундфос" насослари билан жиҳозланган. Шунингдек, туман марказида 26,1 километр масофага қувур тортилди. 659 та темир-бетон қудуғи реконструкция қилинди. Мазкур йўналишдаги ишлар ниҳоясига етиши билан бу ерда истиқомат қилувчи икки мингдан зиёд хонадоннинг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланади.

— Давлатимиз аҳоли саломатлиги масаласига устувор вазифа сифатида қарамокда, — дейди туман аҳоли саломатлик-репродуктив маркази раҳбари Шаҳноза Собирова. — Ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш йўлидаги бу каби саяёҳ-ҳаракатлар, табиийки, касалликларнинг камайишига олиб келади, болаларимизнинг соғлом ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Биз,



шифокорлар буни кўриб, ҳис этиб турибми. Масалан, туманимизда кейинги йилларда юқумли касалликлар камайгани кузатиляпти. Уз навбатида, ҳар биримиз ушбу бебаҳо неъматнинг қадрига етишимиз, ундан ўринли фойдаланишимиз зарур. Чунки тоза ичимлик суви қувурлар орқали вилоятимиз, жумладан, туманимиз ҳудудига ҳам давлат томонидан катта маблағлар эвазига олиб келинапти.

Вилоятда ер ости чуқук сув манбалари кам. Шунини инобатга олиб, ҳукуматимиз салкам 200 километр олисдан — Самарқанд вилояти ҳудудидан улкан қувур-

лар тортиб, аҳолининг обихаётга бўлган эътиҳини қондирапти. Бунга озмунча куч ва маблағ сарфланаётими?! Бинобарин, жўмрақлардан оққан зилол сувнинг қадрига етишимиз, ундан тежаб-тергаб фойдаланишимиз лозим. Зеро, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари жорий йилда ҳам жадал давом этмоқда. Шу мақсадда вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан жами 8 миллиард 460 миллион сўм ажратиш кўзда тутилгани фикримиз тасдиғидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

4 кун • 200 та компания • 22 та мамлакат

UzBuild 15-Юбилей кўргазмаси

аqua THERM TASHKENT ИСИТИШ ВА ҲАВО АЛМАШТИРИШ кўргазмаси

mebel expo МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ кўргазмаси

ITE Uzbekistan 100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳўчмаси, 59-«А». Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72. E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz

25-28 Февраль

2014

15 йил UzBuild билан бирга курамиз!

"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ" ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси

махсус транспорт қурилиш асбоблари

кичик механизация воситалари

технологик жиҳозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли равишда тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

Лизинг 1 йилдан 5 йилгача

Ижара 1 йилгача

2014 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

- ▶▶▶ **МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:**
- ҚУВУР ЁТКИЗГИЧ "PipeLineMan PMGY-70";
- ▶▶▶ **ШУНИНГДЕК, АЙНИ ПАЙТДА КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛГАЛАР (ОТБОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.



Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.

www.qurilish-lizing.uz

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Махсуслот сертификатланган

Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99899) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04

Аэропорт, Темир йўли, Ушбу жой, Бозор, Озик-овқат дўкони, "ОХУ" дорихонаси, Олтин водий к., 29-«А» уй (собиқ Венгерская), Ремонт заводи, "Қурилиш-Лизинг"

Намунавий лойиҳа асосида

Поп туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби кўплаб иқтидор эгаларига қанот берган маскан.

ТУХФА

Жумладан, "Ниҳол" мукофоти совриндори, хушовоз хонанда Малика Эгамбердиева кўшиқ куйлаш маҳоратини айни шу даргоҳда ўзлаштирган. Утган йили мактаб ўқитувчиси Юлдуз Йиғиталиева ҳам ана шундай рағбатга сазовор бўлди. Яқинда мактаб учун намунавий лойиҳа асосида янги бино қурилгани жамоа уювчилари янада кўпайтириши, шубҳасиз.

— Бунёдкорлик ишлари учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғарма-

си томонидан 2 миллиард 443 миллион сўм сарфланди, — дейди мурассаса директори Аҳмадхон Давронов. — Амалий машғулот хоналари ва 200 ўринли концерт залини салкам 1,5 миллиард сўмлик мусиқа анжомлари билан жиҳозлаяпмиз. Таълим йўналишлари кенгайди. Ўқувчиларимиз айни пайтда хореография, театр, тасвирий санъат сирларини ҳам ўрганишяпти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаққуллоб шаҳарчаси, «Бобур» МФЙда жойлашган, «Норин тумани бош пиллохонаси» МЧЖга тегишли блок-бостирма (навес) бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 1242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1235,22 кв.м., пилла сақлаш бостирмаси, қурилиш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м., металл бостирма, қурилиш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м., масъумий ишчилар хонаси қурилиш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м., қорапўчоқ бостирмаси бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш майдони 273,76 кв.м. бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда.
- **Бошланғич баҳоси — 197 348 221 сўм.** Наманган шаҳар СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2012 йил 21 сентябрдаги 1-4542-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчасида жойлашган, фуқаро Мамадалиев Жобир Баҳодировичга тегишли, умумий майдони 2250,0 кв.м., фойдаланиш майдони 523,4 кв.м. бўлган 118, 120-тураржой бино-иншоотлари.
- **Бошланғич баҳоси — 880 124 800 сўм.** Аукцион савдоси 2014 йил 25 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 21 февраль куни соат 18.00.
- Қўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Dunyo bo'ylab" телеканали ДУК жамоаси телеканал режиссёри Жавлонбек Усмоновга падари бузруквори **ЖАМОЛИДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2013/2014 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари танлови ғолиблари

Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича

Каттаханова Дилнозахон Собир кизи
(Хорижий тиллар таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 2 июлда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон миллий университети "Филология (инглиз тили)" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва университет миқёсидаги фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Тил ва адабиёт соҳасида қатор ижобий натижаларга эришган. 2009 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Инглиз ва немис тилларини мукамал ўзлаштирган. Шу кунларда "Инглиз тилида лингвистик усулардан: ўзбек ва рус тилларига таржима масалалари (бадий матнлар мисолида)" мавзуда тадқиқот ишлари билан банд.



Азимов Шавкат Шухратович
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 18 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат кимё-технология институтининг "Биотехнология" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги кўрик-танловлар, илмий анжуман ҳамда конференцияларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўқишда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирилганлиги, танловларда муваффақиятли қатнашганлиги ва жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, faxрий ҳамда мактов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади.



Ахмедова Назолат Нигмадхон кизи
(Иجتимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 12 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат педагогика университети "Ўзбек тили ва адабиёти" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда эришган юқори рейтинг натижалари билан бирга, республика ва университет илмий журнал ҳамда тўпламларида ўзининг илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ҳамда тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Университетда ўтказилган жамоатчилик ишлари ва тадбирларда фаол иштирок этади. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозир "Ўзбек ва хинд халқи фольклор асарларининг фалсафий-ахлоқий, бадий-эстетик моҳиятини қисқич таҳлил қилиш, поэтик тафаккур муштараклигини очиб бериш" мавзуда изланишлар олиб бормоқда.



носпециф иммунитет ҳолати" мавзуда тадқиқот ишлари билан банд.

Саъдуллоев Ҳабибулло Ибодулло ўғли
(Бизнес ва бошқарув таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 29 июнда Бухоро вилоятида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Маркетинг" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқиш давомида фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирилганлиги билан бир қаторда, республика ва университет миқёсидаги фан олимпиадалари ҳамда танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси талабаларининг фан олимпиадаси республика босқичида Менежмент ва маркетинг фанидан биринчи ўринни эгаллаган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда "Маркетинг ва харид психологияси" мавзуда изланишлар олиб бормоқда.



Абдурасулов Шохрух Абдинаимович
(Маданият, санъат ва спорт таълим йўналишлари бўйича)

1991 йил 27 августда Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Санъатшунослик" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Санъатшунослик соҳаси бўйича республика ва институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар, конференциялар, маънавий-маърифий тадбирлар ва кўрик-танловларда мунтазам иштирок этиб, юқори натижаларга эришган. Инглиз тилини чуқур ўзлаштирган. Айти вақтда "Замонавий ўзбек театрида инсценировка амалиоти: адабий ва сахнавий ечим муаммолари" мавзуда тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.



Шамсиев Анвар Акбарович
(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 21 февралда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг "Агрономия" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқиш давомида юқори рейтинг натижаларига эришиши билан бир қаторда, республика ва институт миқёсида ўтказилган қатор кўрик-танловлар, мусобақалар ва илмий-амалий анжуманларда мунтазам қатнашиб келмоқда. 2012/2013 ўқув йилида Беруний номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги вақтда "Ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиб, арзон ва сифатли деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш" мавзуда изланишлар олиб бормоқда.



Жураева Умидахон Юнусалиевна
(Табиий фанлар таълим йўналишлари бўйича)

1992 йил 2 октябрда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд давлат университети "Математика" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Халқаро ва республика миқёсидаги фан олимпиадалари ҳамда танловларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Шу жумладан, 51-халқаро математика олимпиадасида (2010 й., Остона ш.) кумуш медал, 2011 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 2012/2013 ўқув йилида Улугбек номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилини чуқур ўзлаштирган. Айти вақтда "Гармоник ва полигармоник функцияларнинг баъзи хоссалари" мавзуда тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.



Адашалиев Ахрорбек Нематович
(Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари бўйича)

1989 йил 5 июнда Андижон вилоятида туғилган. Андижон давлат тиббиёт институтининг "Даволаш иши" таълим йўналиши 7-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда ўзининг соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича илмий-оммабоп, долзарб мавзулардаги мақола ҳамда тезислари билан мунтазам қатнашиши билан бир қаторда, жамоатчилик тадбирлари ва спорт мусобақаларида ҳам ўзининг иқтидори ва тиришқоқлиги билан фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Шу кунларда "Метаболик синдромдаги



Жўраева Гулбахор Абдуғаффор кизи
(Педагогика таълим йўналишлари бўйича)

1990 йил 2 апрелда Сурхондарё вилоятида туғилган. Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг "Қасб таълими (соҳа бўйича)" таълим йўналиши 4-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришганлиги, республика ва институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар, умумхалқ байрамлари, тадбирлар ва спорт мусобақаларида фаол иштирок этганлиги учун кўплаб диплом, сертификат, faxрий ҳамда мактов ёрликлари билан тақдирланган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозир "Педагогик технологияларни жорий этишда соҳа хусусиятларининг аҳамияти" мавзуда изланишлар олиб бормоқда.



1987 йил 1 декабрда Сирдарё вилоятида туғилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" таълим йўналиши 5-курс талабаси. Аъло баҳоларга ўқиши билан бир қаторда, республика ҳамда университет миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда ўзининг иқтисодий-ижтимоий мавзулардаги илмий-оммабоп мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозир "Мамлакат иқтисодиётига хорижий капиталларни жалб қилишни такомиллаштириш масалалари" мавзуда изланишлар олиб бормоқда.



Магистратура мутахассисликлари бўйича

Буматова Андахон Мергановна
(Хорижий тиллар мутахассисликлари бўйича)

1991 йил 17 июнда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд давлат чет тиллари институтининг "Лингвистика (инглиз тили)" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, республика ва институт миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда, кўрик-танловлар ва жамоатчилик ишларида ҳам мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. 2011 йили Навоий номи Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва немис тилларини мукамал ўзлаштирган. Хозирги вақтда "Инглиз реалияларини таржима қилиш" мавзуда бағишланган илмий иш билан шуғулланмоқда.



"Неврология" мутахассислиги 3-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги илмий журналлар, илмий-амалий конференцияларда неврология соҳаси бўйича илмий-оммабоп мақола, тезис ҳамда маърузалари билан фаол иштирок этиши билан бир қаторда, кўрик-танловлар, жамоатчилик тадбирлари ва спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Бугунги кунда "Ишемик инсульт билан оғриган беморларда депрессия тарқалиши даражаси" мавзуда бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.



фахрий ёрлик ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини мукамал ўзлаштирган. Хозирги вақтда "Биомеханик жараёнларни математик моделлаштириш" мавзуда илмий изланишлар билан шуғулланмоқда.

ловларда мунтазам қатнашиб келмоқда. 2010 йилда Улугбек номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Хозирги кунда "Мустақил таълимни ривожлантириш имкониятлари" мавзуда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Пайзиева Чарос Алишер кизи
(Маданият, санъат ва спорт мутахассисликлари бўйича)



1991 йил 24 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти "Дастгоҳли ва китоб графикаси" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришиши билан бирга, халқаро ҳамда республика миқёсида расомчилик соҳаси бўйича ўтказилган кўрик-танловлар, кўргазмалар ва маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. 2010 йил Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган. Шу кунларда "Тарих саҳнасида аёл сиймоси, амалий ва назарий таҳлили" мавзуда илмий изланишларини олиб бормоқда.

Ибрагимова Азиза Рузиевона
(Хўқ ва халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича)



1991 йил 31 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат юридик университети "Фуқаролик ҳуқуқи" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори рейтинг натижаларига эришиши билан бирга, ўқув юрти томонидан ўтказилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари, кўрик-танловлар ва маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Илмий журнал ҳамда илмий-амалий анжуманларда илмий-оммабоп мавзулардаги мақола ва тезислари билан иштирок этган. Инглиз тилини яхши ўзлаштирган. Шу кунларда "Халқаро хусусий ҳуқуқда эрк мухторияти" мавзуда илмий изланишларини олиб бормоқда.

Абдуғафурова Зилола Абдуллаевна
(Иجتимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар мутахассисликлари бўйича)



1988 йил 2 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат шарқшунослик институти "Адабиётшунослик" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириши билан бир қаторда, институтда ўтказилган жамоатчилик ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларида фаол иштирок этади. Республика ҳамда институт миқёсидаги илмий анжуманларда мақола ва тезислари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Инглиз тилида эркин сўзлашади. Айти вақтда "Узоқ Шарқ мамлакатлари шеърини янгиликларига асосланган равишда модернизм ва унинг миллий хусусиятлари" мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.



Қаҳҳоров Азизон Ахрор ўғли
(Бизнес ва бошқарув мутахассисликлари бўйича)



1992 йил 15 апрелда Навоий вилоятида туғилган. Тошкент молия институти "Корпоратив молия ва кимматли қўғозлар бозори" мутахассислиги 2-курс талабаси. Республика ва институт миқёсидаги турли журналлар, илмий-амалий анжуманларда ўзининг корпоратив молия соҳаси бўйича мақола ҳамда маърузалари билан мунтазам қатнашиб келади. Умумхалқ байрамлари, тадбирлар ва спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз тилини чуқур ўзлаштирган. Айти вақтда "Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив молия муносабатларини такомиллаштириш йўналишлари" мавзуда илмий изланишлар олиб бормоқда.

Толибов Бехзод Иброҳим ўғли
(Техника ва информатика мутахассисликлари бўйича)



1991 йил 8 августда Навоий вилоятида туғилган. Навоий давлат қончилик институти "Металлургия" мутахассислиги 2-курс талабаси. Фанлардан аъло баҳоларга ўқиши билан бирга, республика ва институт миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, илмий-амалий анжуманларда, кўрик-танловларда ҳам мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. Давлат, 2011 йили Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тилини ўзлаштирган. Хозирги кунда "Мураккаб таркибли сульфидли олтин мишякли руда ва концентратларини

Терехина Александра Борисовна
(Журналистика мутахассисликлари бўйича)



1990 йил 19 октябрда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Ўзбекистон миллий университети "Ахборот технологиялари" мутахассислиги 2-курс талабаси. Республика ва университет миқёсидаги илмий журналлар ва конференцияларда долзарб мавзулардаги мақола ҳамда тезислари билан фаол иштирок этган. Журналистика соҳасига бағишланган кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, бир қатор диплом ва сертификатлар билан тақдирланган. Инглиз тилини юқори даражада ўзлаштирган.

Хозир "Ахборот хизматининг маданият ва санъат масалаларини ёритишдаги фаолияти Ўзбекистоннинг имижини шакллантириш омили сифатида" мавзуда бағишланган илмий тадқиқот ишлари билан банд.

Камалова Дилнавоз Ихтиёрвна
(Педагогика мутахассисликлари бўйича)



1990 йил 11 майда Самарқанд вилоятида туғилган. Навоий давлат педагогика институти "Физика ўқитиш методикаси" мутахассислиги 2-курс талабаси. Ўқишда юқори натижаларга эришганлиги билан ажралиб туради. Республика ва институт миқёсидаги фан олимпиадалари, илмий анжуманлар ҳамда кўрик-тан-

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 455 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00
Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

